Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги "Дипломатик сервис хизмати" давлат муассасаси

2026 йил 3 сентябрь Тошкент шаҳри

Йиғилиш мавзуси:	"Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларига қўйиладиган талаблар тўғрисида" мавзусида ўтказилган амалий-ўқув машғулоти
Йиғилиш ўтказилган жой:	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги "Дипломатик сервис хизмати" ДМнинг 3-каватида жойлашган мажлислар зали.
Йиғилиш вақти:	2026 йил 3 сентябрь, соат 12:00.
Раислик қилувчи:	А.Ташпулатов
Баённомачи:	Ш.Ешназаров
Иштирок этдилар:	"Дипломатик сервис хизмати" ДМнинг масъул ходимлари ва таркибий бўлинмалар ходимлари.
Таклиф этилган:	Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Шайхонтохур туман масъул ходимлари

КУН ТАРТИБИ:

"Дипломатик сервис хизмати" ДМ ходимларининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги билим ва амалий кўникмаларини ошириш, ёнғиннинг олдини олиш, ёнғин содир бўлганда ходимларнинг тўғри ва тезкор ҳаракат қилишини таъминлаш ҳамда ёнғин ўчириш воситаларидан хавфсиз фойдаланиш масалалари.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Шайхонтохур туман масъул ходимлари Бегматов Ж. ва Нурматов сўзга чиқиб, ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг асосий талаблари, ёнғинларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва ёнғин содир бўлган тақдирда инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берди.

Шунингдек, ёнғин ўчириш воситаларининг турлари, улардан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш тартиби, биноларда эвакуация йўлаклари ва чиқиш жойларининг доимо очиқ ва фойдаланишга тайёр ҳолда бўлишини таъминлаш, электр жиҳозларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиш масалалари тушунтирилди.

Машғулот давомида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди:

- ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғин ўчириш воситаларига қўйиладиган асосий талаблар;
- ёнғин хавфсизлиги соҳасида қўлланиладиган асосий атамалар ва таърифлар;
- техник жиҳатдан тартибга солинадиган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш талаблари;
- ёнғин содир бўлганда ходимларнинг хабар бериш ва эвакуация қилиш тартиби;
- ёнғин ўчириш воситаларидан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш;
- электр жиҳозлари ва электр тармоқларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиш;
- юқори ҳароратли об-ҳаво шароитида ёнғин хавфининг олдини олиш бўйича профилактик чоралар.

САВОЛ-ЖАВОБЛАР:

Машғулот давомида “Дипломатик сервис хизмати” ДМ ходимлари томонидан мутахассисга мавзу доирасида қўшимча саволлар берилди.

Хусусан, электр токи урганда жабрланган шахсга биринчи ёрдам кўрсатиш тартиби, ёз мавсумининг жазирама иссиқ кунларида ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш, ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш, ёнғин содир бўлганда ходимларнинг ҳаракатланиши ва хавфсиз эвакуацияни таъминлаш тартиби юзасидан саволлар берилди.

Берилган саволларга мутахассис томонидан атрофлича ва тушунарли жавоблар, шунингдек, амалий тавсиялар берилди.

МУҲОКАМА НАТИЖАЛАРИ:

Амалий-ўқув машғулоти давомида ходимларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, ёнғин хавфининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар юзага келганда тўғри ва тезкор ҳаракат қилиш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Машғулот якунида барча ходимларга ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилиш, ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ҳамда фавқулодда вазиятлар юзага келганда белгиланган тартибда ҳаракат қилиш зарурлиги таъкидланди.

Ўтказилган амалий-ўқув машғулоти натижасида белгиланган мақсад ва вазифалар тўлиқ бажарилди. Ходимларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги назарий билимлари мустаҳкамланиб, фавқулодда вазиятлар юзага келганда тўғри ва тезкор ҳаракат қилиш бўйича амалий кўникмалари оширилди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Дипломатик сервис хизмати” ДМда ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этилиши таъминлансин.

2. Муассасанинг барча таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва масъул ходимларига иш жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини мунтазам назорат қилиб бориш вазифаси юклатилсин.

3. Муассаса биносида мавжуд ёнғин ўчириш воситалари, ёнғин сигнализацияси, эвакуация йўлаклари, авариявий чиқиш эшиклари ва бошқа ёнғин хавфсизлиги воситаларининг созлиги ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолда бўлиши доимий назоратга олинсин.

4. Ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш, эвакуация қилиш ва фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш тартиби бўйича ходимларнинг амалий кўникмаларини мунтазам равишда ошириб бориш чоралари кўрилсин.

5. Муассаса ходимлари билан ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш қоидалари бўйича профилактик ҳамда амалий-ўқув машғулотлари белгиланган тартибда мунтазам ташкил этилсин.

6. Ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилишига йўл қўймаслик, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва уларнинг такрорланишининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилсин.

7. Мазкур баённомада белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назорат масъул ходим Б.Шахимарданов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси:

А. Тиашкулатов / [signature] /

Баённомачи:

Ш. Елмозоров / [signature] /

ФВВ масъул ходими:

Ф. Ништатов / [signature] /

Меҳнатни муҳофаза қилиш масъул ходими:

Б. Шакиров / [signature] /

Иштирок этганлар:

Анварова Г. [signature]	Абдушукуров М. [signature]	Вилова Б. С. [signature]
Семенов [signature]	Pölatov I. [signature]	Турсунова М. [signature]
Хакимов А. [signature]	Фатхиллаев А. [signature]	Гаппонов С. [signature]
Тулкунова М. [signature]	[signature]	Шоҳодиров Р. [signature]
Мухтарова Я. [signature]	[signature]	Муҳамедов [signature]
Жураева [signature]	Хоҳбутаевич [signature]	Соипов М. [signature]
Ахмерова С. [signature]	Адамов Б. [signature]	
Ashirov Islom [signature]	Соайтова [signature]	
Одинов А. [signature]	Хусанова [signature]	

Сана: “03” 09.2026 2026 йил